



№26-27 (879-880)
2025 йил 28 март,
жума

ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKOR

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 март куни давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича жорий йилги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ер ва иншоотлардан самарали фойдаланиш мақсадида хусусийлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда. 2021-2024 йилларда 47 триллион сўмлик давлат активлари сотилган. Бу – олдинги ўн йилликдаги кўрсаткичдан 30 қарра кўп.

Булар ҳисобига давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 қарра қисқарди, иқтисодиётда давлат улуши 13 фоизга камайди. Хусусийлашган мулк самарадорлиги ҳам бир неча баробар ошди.

Олдинлари, асосан, кичик корхона ва объектлар сотилган бўлса, эндиликда йирик давлат активлари ҳам сотувга чиқарилмоқда. Жумладан, Қўнғирот сода заводи, “Фотон”, “Ўзтемирйўлконтейнер” каби йирик корхоналар, “International” ва “Lotte” меҳмонхоналари хусусийлаштирилди.

Ўтган йили ноябрда илк бор “халқ IPO”си бўйича Товар-хом ашё биржасининг 3 миллиондан ортиқ акцияси аҳолига сотилди, 11 миң одам акциядорга айланди.

Лекин ҳали тизимда камчиликлар, худудлар ва тармоқларда фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Бўш турган жойларни иқтисодий активга айлантириш, аукционга қўйилган тайёр биноларни сотишда сусткашликлар бор.

Масалан, худуднинг ихтисослашуви, коммуникация ўтказиш имконияти ўрганилмаган аукционга чиқарилган 1,5 миң гектар ер 1 йилдан ортиқ сотилмаган. 4 миңга ер участкасини аукционга чиқаришда келишиш жараёнлари кечиккан. Вазирлар ва ҳокимлар ўтган йили сотилиши керак бўлган 243 та мулкни Давлат активлари агентлигига ўтказиб бермаган.

Йирик давлат корхоналарида ҳам ишлар жадал эмас. “Автосаноат”, “Кимёсаноат”, “Ўзбекистон металлургия комбинати”, “Ўзбекнефтегаз” каби 22 та корхона ҳалигача халқаро молиявий ҳисобот юритишга ўтмаган. “Ўзбекистон почтаси”, “Uzbekistan Airports”, “Ўзбекистон темир йўллари” ҳалигача кредит рейтингини олмаган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда бу каби масалаларни ҳал этиб, ишларни жадаллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Хусусийлаштириш соҳасидаги 2025 йилги мақсадлар белгилаб олинди. Жумладан:

- 30 триллион сўмлик давлат мулкни сотиб, бюджетга камида 10 триллион сўм тушумни таъминлаш;
 - 116 та корхонадаги давлат улушини ва 581 та кўчмас мулк объектини сотувга чиқариш;
 - 6,1 миң гектар ерни аукционга қўйиб, сотиш ҳажмини 6 триллион сўмга етказиш;
 - камида 300 та кон ва майдонни ташаббускорларга тақлиф этиб, 500 миллиард сўм тушум тушириш.
- Буларнинг натижасида иқтисодиётга қўшимча инвестициялар ки-

риб келиб, тадбиркорликка имкониёт кенгайтирилади, минглаб иш ўринлари пайдо бўлади.

Йиғилишда бу мақсадларга эришиш учун бир қатор энгилликлар берилиши эълон қилинди.

Энди тадбиркорлар камида беш йил ижарада фойдаланган давлат мулкни тўғридан-тўғри ўзи сотиб олиши мумкин бўлади. Бугунги кунда 632 та шундай объект бор. Ушбу мулкларни ижарачиларнинг ўзига сотиш орқали камида 2 триллион сўм тушум қилиш мумкин.

“Ўзпахтасаноат”нинг сотилмай қолган 131 та активларининг бошланғич баҳоси 50 фоизгача пайасирилади, аукционга чиқарилади. Бунда тадбиркорларга тўловларни уч йилгача бўлиб тўлаш имконияти берилди.

Ҳозирда республикадаги 537 та бозор ва савдо мажмуаларининг камида 51 фоиз улуши маҳаллий ҳокимликларга тегишли. Энди бу тартиб ҳам ўзгаради. Бозорларда маҳаллий ҳокимликнинг мажбурий иштироки этиши тўғрисидаги талаб бекор қилинади. Бу ҳам тадбиркорлар учун қўшимча имконият бўлади.

Ер майдонларини сотиш бўйича ҳам имкониятлар кенгайтирилади. Масалан, аукционда узоқ вақтдан бўён сотилмай турган, майдони кичик бўлган ёнма-ён жойлашган ер участкалари бирлаштирилиб, қайта аукционга чиқарилади.

Давлат активларидан самарали фойдаланиб, маҳаллий бозорда тушумни кўпайтириш бўйича яхши тажрибалар ҳам бор. Мисол учун, Тошкент шаҳрида муниципал тоифадаги жойлар хатлов қилиниб, электрон базаси яратилди. 102 та самарасиз бино ҳамда 97 гектар бўш ер аниқланиб, аукционга чиқариш бошланди. Ўтган йили бино-иншоотлар остидаги 118 гектар ер участкаларини хусусийлаштиришдан 60 миллиард сўм тушум бўлди. Бу – 2022 йилга нисбатан 5 қарра кўп дегани.

Энди ушбу тажриба барча вилоят марказларида, кейинги йил туманларда жорий қилинади.

Соҳадаги яна бир муҳим масала – давлат иштирокидаги корхоналарни халқаро бозорга олиб чиқиш. Бугунгача ушбу тизим ўзини оқлаган ва самарасини берган. Халқаро ташкилотлар ҳам буни эътироф этаётти.

Мутасаддиларга экспертларни жалб қилган ҳолда бу жараёнларни давом эттириш вазифаси қўйилди. Бу йил халқаро бозорларда яна 28 та, кейинги йил 10 та йирик корхона акциялари оммавий савдога чиқарилиши белгиланди.

Бош вазирга бу бўйича “йўл харитаси” тасдиқлаб, ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимлар ахборот берди.

Ў.А.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ

аҳоли ҳаётини ўзгартирмоқда




2-бет



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида

“Эскроу” тизими муҳокама қилинди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида улуш киритиш тизимида “эскроу” тизимини жорий этиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа тижорат банклари, Ўзбекистон Қурувчилар ассоциацияси вакиллари иштирок этишди.



– 2026 йилдан бошлаб қурилишга улушдорларнинг маблағларини жалб қилиш фақат “эскроу” ҳисобварақларини орқали амалга оширилади, – деди Ўзбекистон Қурувчилар ассоциацияси раиси Мансуржон Ниязмухамедов. – Бу фуқароларнинг маблағларини ҳимоя қилиш ва қурилиш соҳасида шаффофликни таъминлаш учун муҳим кадам.

Ҳозирда “эскроу” ҳисобварақларини жорий этиш тартиби ишлаб чиқиш, нафақат давлат органлари, балки қурувчилар билан ҳам муҳокама қилинмоқда. Муҳими, қарорлар амалий тажриба ва реал эҳтиёжлар асосида шакллантириляпти.

Бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг тақдимномасига асосан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” ДМ фаолияти юзасидан танқидий видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов раҳбарлигида тизимдаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишда компаниянинг 2024 йилдаги фаолияти, қурилиш жараёнларининг сифати ва шаф-

Кадрлар сиёсатига масъул ҳодимлар учун йиғилиш

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими ташаббуси билан тизимда фаолият юритувчи кадрлар сиёсатига масъуллар учун йиғилиш ўтказилди.

Унда бўлим бошлиғи Рустам Расулов сўзга чиқиб, қурилиш ва коммунал соҳасидаги кенг изоҳотлар кадрлар салоҳиятини оширишга бўлган талаб ортаётганини таъкидлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилаётган дастурлар малакасини доимий ошириб бориш зарурлиги қайд этилди. Соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, HRM (Human Resource Management) технологияларидан фойдаланган ҳолда корпоратив муносабатларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида урғу берилди.

Йиғилиш якунида тизим ташкилотлари ва худудий бошқармаларидан келган мутахассислар фаолиятида учраётган муаммолар, уларнинг ечимини юзасидан билдирилган бир қатор саволларга жавоб берилди. Шу билан бирга, кадрлар сиёсатини яхшилаш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

“TECHNOPARK”да кўргазмали тақдимот

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳри Яшнобод туманида жойлашган “TECHNOPARK” индустриал зонасида қурилиш ва иссиқлик таъминоти соҳаси маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан замонавий, энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларни тағбиқ этишга бағишланган кўргазмали тақдимот бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган ушбу тақдирда йирик ишлаб чиқарувчилар, қурилиш компаниялари ва худудий иссиқлик таъминоти корхоналарининг масъуллари иштирок этиди.

Тақдимотда ташкилотчилар томонидан қурилиш ва иссиқлик таъминоти соҳасидаги замонавий маҳсулотлар, энергия тежамкор маҳсулотлардан фойдаланиш ва уларни тағбиқ этишдаги қулайликлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, турар жой объектларини иссиқлик билан таъминлашда ишлатиладиган иссиқлик насослари, иссиқлик қозонлари, индивидуал иссиқлик пунктлари, лифт ускуналари ва маийш техникаларини ишлаб чиқариш жараёнлари тўғрисида батафсил маълумот берилди. Тақдимот сўнггида иштирокчилар учун “TECHNOPARK” худудига экскурсия уюштирилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таъминоти билан таъминлашда



Фоторепортаж



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ аҳоли ҳаётини ўзгартирмақда

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги Қора янтоқ маҳалласида ўзига хос меъморий қиёфага эга шаҳарча бунёд этилади деса, бундан икки-уч йил илгари ҳеч ким ишонмасди. Пухта ўйланган лойиҳа асосида бугунги кунда бу ерда “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этиляпти.

Албатта, қурилиш ишларида ҳудуд иқлими, географик жойлашуви ҳисобга олинган. Аҳоли учун яратилаётган шарт-шароитлар зарур инфратузилма ижтимоий иншоотларнинг ҳажмига ҳолда бунёд этилиши, унинг ҳақиқатан ҳам намунали лойиҳа асосида қад ростлаётганини намоян этмоқда.

Бундан 45-50 йиллар олдин мен бу ерларда юрганларимни эслайман. Бу ерлар тиконзор, қумли жойлар эди, деб эслайди меҳнат фохриис Чорихон Раимов. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар худди эртақлардагидек кўз ўнгимизда намоян бўлмоқда. Бу йўллар халқимизнинг кўз ўнгига 5 йилда гуллаган яшил маконга айланди. Янги уйлар билан биринчи навбатда, ногиронлар, уйга муҳтож оилалар, олисда оғирлар, боқувчисини йўқотганлар таъминланди. Нуруний сифатида мана шу уйларнинг фойдаланишга топширишда шахсан ўзим иштирок этдим. Баъзилар уйни қабул қилганидан кейин кўзи ёшга тўлиб турганларини кўрдим. Улар йиллар давомида уйма-уй ижарама-ижара сарсон юрганларини гапириб беришганди. Бугун Президентимизнинг олиб бораётган одилонга сиебати асосида аҳолимиз ўз уйига, ўз ватанига эга бўлмоқда. Бунинг учун миннатдор халқимиз кўзида ёш билан давлатимиз раҳбарини дуо қилмоқда.

Айтиш жоизки, бир вақтлар чўлу сахро бўлган ерларда бугун қад ростлаган уйлар чироқлардан чарогон бўлиб, элим, юртим, деб ашагувчи юрдошларимиз ҳамда уларнинг жажжи фарзандларининг кулгусидан обод ва фаровон гўшага айланди. Инсон ўз уйига эга бўлсагина кўнглида хотиржамлик, ишида унум ва барака бўлади. Жарқўрғонда бунёд этилаётган замонавий инфрату-



зилмага эга “Янги Ўзбекистон” массиви юзлаб оилаларнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Турар жойлардаги кенглик, муҳташамлик, ободлик ва саранжон-сарипшталикдан дилингиз яйрайди. Ҳар бир бино-иншоотда халқимизга хос яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти тўлиқ намоян бўляпти.

Массивда қурилган ва барча қулайликларга эга хонадон калитини қабул қилиб олаётган ҳар бир юрдошимиз инсон қадрини улуғлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлардан миннатдор. Бугун ана шундай бахтга мушарраф бўлаётган юрдошларимиз сафи кенгайиб бораётгани, янги уйлар кувончидан масрур инсонларнинг самимий суҳбатидан дилидаги шукроналик ҳақиқатдан далолат беради. Мукаддас ватанимизда инсон қадри ҳар нарсадан усту. Аслида, ҳар бир инсоннинг орузлари ҳам ушалиши, ҳаётдан рози бўлиб яшаш йўлида хизмат қилишдан улгуроқ мақсад борми?

Табиий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда массивда яшил белбоғлар ташкил этиш, уйлар атрофида турли мева ва манзарали дарахт кўчалари экиш, уларни сугориш тизими ҳам эътибордан четда қолмаган. Очиги, бу-

гун бу ерга келган киши одамларнинг юзлаб оилаларнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Турар жойлардаги кенглик, муҳташамлик, ободлик ва саранжон-сарипшталикдан дилингиз яйрайди. Ҳар бир бино-иншоотда халқимизга хос яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти тўлиқ намоян бўляпти.

Мазкур массив ва унинг атрофидаги объектлар режасини тузишда истиқболда аҳолининг ўсиши, ҳудуднинг инфратузилмаси ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиши каби жиҳатлар ҳам эътиборга олинган. Шунингдек, массивга ендош ҳудудда фойдаланишдан чиққан ер майдонларини қайта ўзлаштириш ҳисобига у ерда иссикхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш нукталарини бунёд этиш ва бу орқали янги иш ўринларини очиб кўзда тутилган.

Президентимиз қайси жойдаки, “Янги Ўзбекистон” массиви қурилган бўлса, у ерда меҳнат драйвери очилади, деган эди. Бу сўзлар айни ҳақиқат эканини Қора янтоқ маҳалласида қад рост-

лаган массивда кўриш мумкин. Массивда маҳаллий тадбиркор томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилган савдо мажмуасида маҳалладаги ҳоким ердәмчилари билан 250 та меҳнат ўрни яратилди. Шу ернинг ўзида 360 ўринли мактаб, 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 100 киши қатновига мўлжалланган IT маркази қурилиб фойдаланишга топширилди.

Жарқўрғон тумани маркази билан “Янги Ўзбекистон” массивининг ораси 2,5 километр. Аҳолининг узоғини яқин қилиш учун ҳар 15 дақиқада автобус қатнови йўлга қўйилган. Бу ҳам халқимизга яратилган шариот, имконият ва фаровонлик белгисидир.

Ҳақиқатан ҳам “Янги Ўзбекистон” массивларида яратилаётган инфратузилма юзлаб оилаларнинг ҳаётини ўзгартирди. Бугун инсон қадри учун деган тамойил чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган оилаларнинг турмуш тарзида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Фармон ва қарорлар инсонларнинг ҳаёт тарзида аке эгаётган, аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Бундай хайрли тадбирлар жамиятда меҳр-оқибат, одамийлик фазилатларини янада кучайтираётгани бор гап.

Таълим сифатини оширишдаги асосий мезон

Умумтаълим мактабларида қулай шарт-шароитларнинг яратилганлиги, шу билан бирга моддий-техник базаси, инфратузилманинг талаб даражасида бўлиши, таълим сифатини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Шулардан келиб чиқиб, Инвестиция дастури асосида Бухоро вилоятдаги 21 та умумтаълим мактаби ва 7 та мактабгача таълим ташкилотидан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Бу жараёнда 1 та янги ихтисослаштирилган мактаб қурилиши, 15 тасида реконструкция, 5 тасида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилиши кузда тутилган. Вобқент туманида 1 та янги мактабгача таълим ташкилоти қурилиши, 5 та МТДа реконструкция, 1 та МТДа мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши. Бунинг натижасида мактабларда жами 9 минг 514 нафар ўқувчи ўрни, мактабгача таълим ташкилотларида эса 800 нафар тарбияланувчи иш ўрни яратилди.

Шунингдек, Ислום тараққиёт банки ва “Опек” халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида 33 та

мактабгача таълим ташкилотидан, 40 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бу жараёнда 12 та янги таълим муассасаси барпо этилиб, 43 тасида реконструкция, 18 тасида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 359 миллиард 758 миллион сўм маблағ ажратилди, деб хабар қилади ЎЗА муҳбири Зариф Комилов.

Бундан ташқари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 39 та умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари қувватини ошириш, мавжуд муассасаларни мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун 82,14 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Янги Ўзбекистонга муносиб мактаблар

Ерга нур, элга ғурур, дилга сурур бағишлайдиган Наврўзи олам кунларида халқимизнинг меҳр, муруват, яшариш, яшнатиш ва бунёдкорлик каби эзгу қадриятлари яққол намоян бўлади.



рини озод юртга муносиб хизмат қилувчи иқтидор-дилар маскани бўлишига ишонч билдирди.

Учқўрғон туманида капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилган 45-сонли мактабнинг 700 ўринли бинолари ўқувчилар учун чинакам байрам туҳфаси бўлди.

Кўклам айёми муносабати билан Наманган вилоятида бир қатор таълим масканлари қуриб битказилиб, ёш авлод ихтиёрига топширилди. Вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тизимида хайрли анъана давом эттирилиб, бунинг натижасида шаҳар ва туманлардаги илим даргоҳлари замонавий кўринишга келди.

Давлатобод туманидаги 95-сонли умумтаълим мактабига давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан 10 миллиард 691 миллион сўм эвазига янги 660 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилиб, мавжуд 280 ўринли бино мукаммал таъмирланди. Жами 24 синф хонасидан иборат уч қаватли янги ўқув биносида 552 нафар ўқувчи қамровал шарт-шароитлар ва қулай имкониятлар яратилди.

Мактабнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар ушбу таълим муассасаси истиқбол эгалари

Байрам тадбирида қатнашган муассасалар мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқувчи ва ўқитувчилар учун муносиб шароитлар ҳозирлаш борасидаги ислохотларнинг амалий натижаси сифатида бу каби лойиҳалар изчил давом этаётганлигини таъкидлади.

Мактабдаги таъмирлаш ишлари учун 8 миллиард 400 миллион сўм маблағ сарфланиб, ўқув сизими 320 ўриндан 700 ўринга кенгайтирилди. Бу эса ҳудуддаги таълим билан қамровал кенгайтириш, ўқувчилар учун қулай ва замонавий имкониятлар эшикларини очди, деб хабар қилади ЎЗА муҳбири Оқилхон Дабдобов.

Бунёдкорлик ишлари натижасида, янги синф хоналари ва лабораториялар, замонавий спорт зали ва кутубхона, овқатланиш учун қулай ошхона, оқилона инфратузилма ва хавфсизлик тизими замонавий ҳолатта келтирилди.

Навоий вилояти Зарафшон шахрида Президентимизнинг 2023 йил 12 декабрдаги “2024–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 990 ўринли янги умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тантанали тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Зарафшон шахрининг Юлдуз маҳалласида бунёд этилган янги мактаб ҳам ушбу хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.



Мактаб замонавий талаблар асосида қурилиб, энг сўнгги русумдаги мебель ва ўқув техник воситалари билан жиҳозланди. 4 қаватли бинода 34 та синф хонаси, махсус жиҳозланган хоналар, спорт зал, кутубхона, анжунанлар зали, шунингдек, мактаб ҳудудида очик мини футбол ва гимнастика майдонлари барпо қилинган.

Мактабнинг барча синф ва маъмурий хоналари, йўлақлар ва ҳовли қисмига видеокузатув тизими ўрна-

тилган ҳамда объект ёнғинга қарши сигналлаш ва ҳавфсизлик билан жиҳозланган.

Шу кунга қадар маҳалла ёшларининг бир қисми қўшни маҳалладаги мактабга қатнаб ўқиган бўлса, айрим ўқувчилар эса ундан-да узоқ мактабларга иккига жамоат транспорти орқали қатнаган, деб хабар қилади ЎЗА муҳбири А. Бўриев.

Тадбирда иштирокчилар таълим масканида ўқувчи ва ўқитувчилар учун яратилган шариот ҳамда имкониятлар билан яқиндан танишди.





“QISHLOQQURILISHLOYIHA” bosh loyiha instituti DM


*Bayramu tantanalarga boy
Yangi O'zbekistonimiz xalqini
ezgu bayram -*

Ramazon hayiti

bilan tabriklaymiz.

*Ko'rkam bog'laru purviqor tog'lar,
zamonaviy qiyofada yangildan qad
rostellayotgan shaharu qishloqlar bugun
shodlik og'ushida.*

*Ushbu ko'tarinki kaysiyat
va saodat yurtimizni aslo tark etmasin!*



Azaliy qadriyatlarni o'zida mujassam etgan

Ramazon hayiti – Iyd al-Fitr

barcha yurtdoshlarimizga qutlug' bo'lsin!

JIZZAX VILOYATI

**Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida
hududiy nazorat qilish inspeksiyasi**



NAVOIY VILOYATI Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Go'zal bayramlarning davomi sifatida
yurtimiz bo'ylab keng nishonlanayotgan

Ramazon hayiti

barchangizga muborak bo'lsin.

Qalblaringizdagi ezgu niyatlaringiz amalga oshib,
xonadoningizdan fayzu baraka arimasin!

“SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI” DM

Ozod va obod yurtning qo'shaloq
bayramlari safida yurtimizga
tashrif buyurgan

Ramazon hayiti

bilan barchangizni tabriklaymiz.

Yurt ravnaqi va xalq farovonligi
yo'lida olib borayotgan
faoliyatingizda hamisha
omad yor bo'lsin!



"O'ZSHAHARSOZLIK LITI" bosh loyiha instituti DM

Milliy qadriyatlarimizning timsoli – MUBORAK RAMAZON HAYITI barchangizga muborak bo'lsin.

Musaffo osmonimizda baxt quyoshi doim charaqlab tursin!
Niyati pok, maqsadlari ulug' xalqimizning
ezgu orzu-intilishlari ro'yobga chiqsin!
Savob amallaringiz ko'p bo'lib,
Allah har biringizni o'z panohida asrasin!



TOSHKENT SHAHAR Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

To'kin-sochinlik, ahilligu
hamjihatlik ayyomi –
Ramazon hayiti
bilan jonajon xalqimizni
qutlaymiz.



Toza qalblardagi pok
niyatlaringiz albatta,
amalga oshsin!

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ муборак бўлсин!

2025 йилнинг март ойи 28-31 саналари, апрель ойи 1-3 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш ва мақсадли дастурларни мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Иқболжон Юлдашев**, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Азиз Абдурахимов**, Пудрат бозори ҳамда тендер, рейтинг ва буюртмачи тизимини ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Анна Караматова**, хайдовчи **Мурод Ғафуров**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси компьютер техникаларига хизмат кўрсатиш бўйича техник **Достонбек Гулмаматов**,

"Қурилиш соҳасида ахборот коммуникатсия технологияларини ривожлантириш маркази" Давлат харидларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Улугбек Эгамназаров**,

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ бўлим бошлиғи **Шаҳбоз Носиров**,

"O'zbekiston bunyodkoi" ижтимоий-иқтисодий газетаси реклама ва обуна масалалари бўйича менежери **Дилафруз Назарова**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассислари **Зулфия Абдуқадирова**, **Бекмурат Раҳимбаев**, "Марказий" филиал етакчи муҳандиси **Зокир Мамарасулов**,

"Ўзоғирсаноатлоийҳа" АЖ ООПР сантехниги **Агзам Галаутдинов**, ООРТ муҳандиси **Сардорхўжа Ҳошимов**, АСС-2 техник **Асилбек Файзиев**, ООРТ бошлиқ ўринбосари **Абдурашид Рихсиев**, ОАВП ЭА оператори **Маъмура Салимова**, ОИСК етакчи муҳандиси **Канат Умиров**, ОППР қоровули **Илёс Дуйсенов**, СМО етакчи мутахассиси **Светлана Анненкова**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Қаҳрамон Баймуратов**, етакчи архитектор **Любовь Подваркова**, Шаҳарсозлик хўжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Светлана Жижимова**, етакчи иқтисодчи **Шахло Каримова**, Иқтисодий режалаштириш ва шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи ўринбосари **Нодирбек Мирза-аҳмедов**, Йўл ва ҳудудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими муҳандиси **Асатилла Зайнуддинов**,

"Qo'qon Loyiha Qurilish" МЧЖ Лойиҳа бош муҳандиси **Бахтиёр Холиқов**,

Андижон вилояти Бўстон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Акмалжон Жўраев**,

Бухоро вилояти Олот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Умид Раҳматов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Самандар Маҳмудов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Жасур Ҳамраев**, мутахассис **Умар Худойқулов**, лаборант **Темурмалик Исмаилов**,

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Фазлиддин Файзуллаев**, Ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси **Шўҳрат Бердиназаров**, Қизилқум тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Рустам Мардаев**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бошлиғи **Олимжон Раҳмонов**, Ўзбекистон тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлим бошлиғи **Раҳмонберди Ҳасанов**,

Хоразм вилояти Урганч тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Музаффар Палванов**, Хонқа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Раҳмат Раҳимов**,

Қорақалпоғистон Республикаси "Коммуналлик ёссылык орайы" ДУК бошлиғи **Турдыбек Бердекешов**,

"Иссиқлик манбаи" ДУК Самарқанд вилояти филиали бош муҳандиси **Жамолддин Усмонов**,

Сирдарё вилояти Янгийер шаҳридаги "Янгийер юксалиш таъмирлаш сервис" МЧЖ БСК бош директори **Дилором Исмолова**,

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги "Тўзал шахрим гулласин" МЧЖ БСК бош директори **Садриддин Тожиқдинов**, Юқори Чирчиқ туманидаги "Обод уй коммунал хизмати" МЧЖ БСК бош директори **Ғайрат Худайбергенов**,

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "Abrog Gold Qituvchi" МЧЖ БСК бош директори **Абиддин Султонов**, Учтепа туманидаги "Zolotoy Znak Uka" МЧЖ БСК бош директори **Зохид Ходжамов**, Юнусобод туманидаги "Newfortuna" МЧЖ БСК бош директори **Хонзода Артикова**, Яқкасарой туманидаги "Classic building communal" МЧЖ БСК бош директори **Шавкат Саримсоқов**, "Merit servis" МЧЖ БСК бош директори **Женя Засыпкин**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "ЖК-Мироншоҳ" уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Елена Озолина**, "Чимкент-сервис" уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Алишер Мираҳмедовларни** таваллуд айёмлари билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сийҳат-саломатлик, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!

